

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1988 йил 1 июлда
чиқа бошлаган.

№ 78 (6. 567)

1988 йил 5 апрель, сешанба

Баҳоси 3 тийин

Кўнглимдаги гап

Адолатли ҳал этилсин

МЕХНАТ отпускиси ҳақидаги масалани қайта кўриб чиқишни, ун тартибга солишни лозим деб ҳисоблайман. Ахир нима деган гап: меҳнат отпускиси бўлса меҳнат натижаси ҳисобга олинмас! Ҳозир ҳамма меҳнат қилдим-йўқим, қандай меҳнат қилди — бундан қатъий назар, иш жойида ҳозир бўлганлиги учун, эгаллаб турган лавозимига кўра белгиланган отпускисини олаверади.

Отпусканинг давомийлигига меҳнат стаж, иш-чинонинг коллектив фаолиятига қўшган улуши, иш шартини таъсир этиши керак-да! Уйлаб кўринг, энди-гина ўн бир ой ишлаган ишчига ҳам, меҳнат ветеранига ҳам тенг отпускаи берилиши адолатдан бўлмас керак. Мунтазам ҳамма иш кунинда фаол қатнашган ишчи-хизматчилар билан, бир неча марта касаллик варақаси олиб ўлда-жўлда ишлаганларнинг меҳнат отпускиси бир хилда берилиши шартми? Шу ўринда яна бир гап. Баъзилар йил давомида шунчаки бюллетень тўғрисида оилаб меҳнат қилишмайдилар. Бу кўпчилик текширилмайди ҳам. Аммо отпусқада фойдаланиш учун бериладиган имтиёзларда эса ҳамма тенг. Шу адолатданми?

Тоштемир СОДИҚОВ,
ишчи.

Бағритошларга — жазо

ПАРТИЯ ва ҳукуматимизнинг келгуси авлод учун кўрсатган гамхўрликлари беқиёсдир. Болалар соғ-саломат, бардам ва бақувват бўлиб каломга етиши учун барча шарт-шароит муҳайё қилинмоқда. Бунинг жуда ҳам ёрдамчи бўлган болалар уйларида.

Болалар уйи ота-онасиз, бегуноҳ, покиза гўдакларнинг иккинчи уйи, жонажон уйи бўлиб қолди. Меҳрибон тарбиячилар болаларни, миллатини сўрамай, ким тўққанини сўрамай ота-онадан ҳам аълоқор парвариш қилаётганларини ўзим ҳам гувоҳи бўлганман. Антонина Павловна Хлебущкина сингари меҳри бўлоқ (кечирасиз, таърифлашга ортиқ яхши сўз тополмадим) аёлларнинг босган изини кўзимизга суртас ҳам камлик қилади. Ҳозир Шомамудовлар, Хлебущкиналар ўнлаб, юзлаб!

Айниқса В. И. Ленин номи Бутунитифок болалар фонди ташкил этилгани нур устига аъло нур бўлди. Диниётли кишиларимиз фонднинг 707-сўғига тоғлан-туғланларини ўтказмоқдалар. Мен ҳам қўриб етганча ҳиссамни қўшдим, яна қўшаман.

Бу гаплар айтмоқчи бўлган масаланинг яхши томони. Лекин иккинчи томони ҳам бор. Даданинг айтишларича авваллари болаларни «детдомга» бериш айб ҳисобланарди. У ердagi болаларни ҳам одамлар фарздандликка олиб кетар эканлар. Бунинг ростиғига шубҳам йўқ. Уруш пай-

Шахсий фикрим:

(«Кўнглимдаги гап», 14 март)

«УНВОН КЕРАКМИ, ХАЛҚ МУҲАББАТИМИ?»

...Бу савол ўз вақтида берилган. Баъзи бир санъаткорларимиз тўрт-беш кўшиқни киро эйтиб, юксак унвонларга эга бўлиб юришбди. Унвон, мукофотларни даммо эзлашишда бўлган санъат фидоиларига бериш керак...

Б. УСМОНОВ,
Наманган области.

...Қирқ йиллаб хизмат қилаётган, кўз нурини тўқиб, меҳр кўрини бериб, мамлакатимизга минглаб етук кадрлар етказиб бераётган ҳамма музаликлар ҳам юксак унвонларга сазовор бўлаётган! Уларнинг жуда кўпчилиги қисми ҳатто «Халқ маорифи» алоқисини деган кўнрақ ишонига ҳам эга бўлолмаганлар. Санъатда ҳам шундай фидоилар йўқми! Албатта бор. Ана шуларни рўйбга чиқариш керак.

М. НУРМАТОВ,
Сирдарё области.

...Овози, икромчилиги ёқимсиз хонандалар ҳўсусида гапирмай, ҳар жикатдан маъқул ва шўхрат қозонган артистлар борасида сўзлашар эганимиз, унвонларнинг тўбан-дагича берилишини тақдир этаман: ҳар бир ишбил бўйлаб жоматлаб, маданиятимизга қами билан ўн йил ҳалол хизмат қилганларга «Хизмат кўрсатган артист» унвони, мавжуд республика бўйлаб йигирма йил маъмур хизматлари, жомат ишларида ҳам қатнашганини учун «Хизмат кўрсатган санъат арбоби» ёки «Халқ артисти» унвони, санъат соҳасидаги катта хизматлари билан шўхрат қозонган санъаткорга «СССР халқ артисти» унвони берилса.

М. МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР халқ артисти.

«САМОЛЕТ УЗОҚРОҚКА КЎНСА...»

...Шаҳримиздаги аэропорт шаҳар марказидан узоқ масофага қўйрилиши шарт! Ана шундангина бу аэропорт атрофида яшовчилар саломатлиги тикланади, ботобиликлар оқибатда давлат кассасидан бюллетенга бериладиган суммалар ўз ўрнида қолади.

И. ҲАКИМОВ,
меҳнат ветерани.

«НАРХЛАР ҲАҚИДА ҲАЛЛАР

Нархлар ҳақида фикр қўйганда уяли кўп нарсаларнинг нархи ишлаб олаётган маошимизга нисбатан қиммат-эканлигини кўзда тутишимиз керак. Кўпчилик оқилларимиз ойига 70—80 сўм, 90—100 сўмдан пул оладилар, бу оқилларда кам деганда тўрт-беш бола бор. Бундайлар қолбаса, гўшт билан оқилларини қандай қилиб таъминлаш мумкин! Менимча, иккала томон — маош ва нарх-наво, албатта мувофиқлаштирилиши керак.

Б. РАЖАБОВ,
ўқитучи, Тошкент шаҳри.

Бозордаги милиция ходимлари бу ерда кабоб, сомса сотаётганларни қийратиб билан овера. Шунда ҳам қочон эса кабоб ва сомса сотувчилардан биронтаси «қайсар»лиги қилиб «узатмасан». Хусусий гўшт маҳсулотларини сотишга алоҳида жой ажратган сингари, буларга ҳам алоҳида жой ажратиб, уларга оқ хавлатлар бериб, улардан ҳам бозор кассасига чек ёздирса бўлади-ку! Лекин бундай қилинмайдилар. Чўки унда паттачи ва милиция ходимларининг баъзиларининг қўнғитига тушадиган текан даромад давлат кассасига тушадидилар.

С. АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент области.

Хатлар ҳамон келяпти... АЗИЗ ОҚШОМХОНЛАР! Бугун Сизларнинг диққатингизга ҳавола этилган мактублар ҳўсусидаги фикрингиз қандай? МАКТУБЛАРИНИГИЗИ КЎТАМИН.

тида минглаб болаларга она бўлган Ўзбекистонимиз. Ҳозир ҳам бағри кенг хонадонлар анчагина бор.

Нима учун бировни алдаган ёки арзимаган ўғирлик қилган одам жазога тортилади? Жиноят қилган учун дейсиз, албатта. Болани дунёга келтириб, унга меҳр-муҳаббатини раво кўрмай ташлаб кетган ота-оналар жиноятчи эмасми? Улар келажак олдига жавобгарларку! Ота-онага интиқ кўзи йўлда болани кўз олдингизга келтиринг. Уларнинг онаси ақсарият маънавий тубан, ахлоқан паст аёл бўлади. Нима учун уларга қонунда жазо йўқ! Бола туғиб, бир парча этни туғруқхоналарга ташлаб кетадиган бағритош аёллар жамиятга нима «каромати» кўрсатади?

Йўқ, бундайлар жазоланиши керак! Улар ҲАЁТ олдига, ўртоқлик суди олдига, СОЦИАЛИСТИК ТУЗУМ олдига жавоб беришлар.

Ҳалима ЯЎЛДОШЕВА,
Қаҳрамон она.

Самимият—яхши

фазилят

ИНСОН учун ширин сўз, илқ муомала ҳар қачон сув билан ҳаводек зарур. Одавийлик, фидойилик, ўзаро иззат-ҳурмат, меҳр-оқибат нондек азият, дилга малҳам, ишимизга ҳамдам бўлади. Тошкентликлар бу масалада ўз шаҳарлари ва ўз нуфузларига мўносиб бўлиб қолшмоқда. Бу йўлда, назаримизда, даҳлдор ташкилотлар анчагина ибратли тадбирларни амалга оширолмоқдалар. Газета ва журналларнинг, кино ва театрларнинг инсон омили тўғрисидаги тағриботлари бундан шўхидлик беради.

Лекин шунинг афсус-надомат билан айталик, яхши фазиляти, яхши ҳўлқ-атворли кишиларимиз орасида ҳам кўпчилик ва кўрсалар бор. Очик гап, қонун-тартибни ҳимоя қилувчи органларда, ГАИ ходимлари орасида, савдо ходимлари ичида кўрс кимсалар учраб туради. Шунинг учун тегишли ташкилотлар ўз коллектив доирасида олий инсоний мўносибатларни қарор топтириш йўлида барча имкониятлардан фойдалансалар, деган тақлим бор. Матбуот ва радио, театр ва телекўрсатувлар эса инсонга юксак одоб билан мўносибатда бўлувчилар ҳақида ёзишлари, ахборот беришлари, қалби гўзал кишиларни ширин сўз билан рағбатлантириб боришлари зарур.

Ҳасанал РУСТАМОВ,
Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани,
Улуғбек номидаги Фарғона давлат педагогика институтининг доценти.

«Аргументы и факты» саҳифаларида

Бошқарув ва бошқарма ходимлари

«Аргументы и факты» бюллетенининг сўнгги икки сониди ана шу сарлаҳда остида журналист Н. Зятковнинг СССР Фанлар академияси Экономика институтининг халқ ҳўжалигини бошқариш назарий проблемалари бўлими мудир, иккитисод фанлари доктори Б. Мильер билан суҳбати эълон қилинди. Қўйида ана шу суҳбатни қисқартирган ҳолда оқшом хонлар эътиборига ҳавола этилган.

— Борис Захарович, бошқарувни қайта қуриш ҳақидаги суҳбатни: бошқарув апаратини қилиб ташкил этиди? — деган саволга аниқлик киритиш билан бошланган ис-тар эдим. Баъзилар матбуотда бир неча бор тилга олинган 18 миллион рақамига министрлар, директорлар ва ҳўназолар кирди, уларнинг ҳаммаси — турган битгани бюрократлар, деб ҳисоблайди...

— Давлат ва ҳўжалик бошқаруви, шунингдек кооперативлар ва жомат ташкилотлари бошқарув органларининг апаратида ана шу 18 миллион кишининг кўли билан 14 процент машғул.

Ана шу 18 миллионнинг — аниқроғи 17718000 кишининг 11,5 миллион нафарини корхона ва ташкилотларни бошқарув ходимлари, 3,5 миллиондан кўпрогини инженер ва техниклар, хизмат етгал автомобилларининг ҳайдовчилари, машинистлар, қўғи хизмат кўрсатиш ходимлари, муҳофаза ходимлари ва ҳўназолар ташкил этади.

— Ана шу 14 процентни кирувчи юқори бўғини — бошқарув ходимлари тўғрисида батафсил қикос қилиб беролмаймизми?

— КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумидан сўнг бошқарув апаратининг сон жиҳатдан ўсиши тўғрисида, унинг ичкилик билан қисқартириш бопланди. 1987 йилда бошқарув органлари апарати ходимларининг 67 проценти министрликлар ва идоралар апаратига тўғри келарди, 13 проценти Совет ҳўқимияти органлари (Олий Советларнинг Президиумлари, халқ

Бир сўм кассага, тўрт сўм кассага

ШОШИБ турганда такси машиниси керак бўлса Октябр кўлида бозорнинг табнат музейи томонга ўтинг. Сап-саринг таксилар бир кўзи чирогини ақиб, турнататор «жикнглаб» турибди.

Туғруқхонадан чиққан бир оиланинг тўрт кишини таксига ўтираман дейди-ю, бирортаси олмайдилар. Тўғри-да, тўрт киши билан таксини тўдириб бир-икки сўм учун Чақарга боргандан кўра, бозордан тўрвасини тўлатиб чиқётган якка-якка тўрт кишини олиб пул чиқар томонга борган яхши эмасми?

Шундай бўлди. Таксига таниш-нотаниш тўрт киши ўтирдик. Машина бир силтаниб учиб кетди. Қўшутда бир киши туша туриб бир сўм берди. 45 тийин кўрсатиб турган бўлса ҳам, шофёр бир сўмдан қайтим бермай газни босди. Эски «райисполком» бекатида тиллага безанган бир хотин машинага қўл кўтариб ўтирди. Чинни заводда ёнимдаги киши тушиб шофёрга бир сўм берди, Абдулла Навиев бекатида яна бир ҳамроҳимиз тушиб қолди, у таксичининг қўлига бир сўмлик сўлкавой тутқазди. Қорақамишининг «Табассуми» деган бекатида халиги аёл шилдирак бир сўмлик бериб, шофёрга жимлайди: «Барака топинг, муллака!»

Мен кўз касалликларни шифохонаси бекатида туша туриб сўчтикка қарадим: бозордан шу ергача бир сўм 20 тийин эзибди. Ҳамининдан бир сўм олиб узатдим.

— Майдасини ким тўлайди, акам?

— Е, алҳазар, одам боласининг бунақа ноинсофини кўрмаганман. Бир сўмлик йўлга беш кишидан 5 сўм олиб яна «майдасини» сўраётган бунақа ноинсофни қаранг!

Бу нима деган гап! Тақдирлар кўч чироқ ақиб келаверадилар-да, уч-тўрт ҳамроҳ бўлса тескари қараб ўтиб кетадилар, ҳўшларига келса тўхтаб, қўлайроқ жойга борадиган билан муомала қилишди, якка-якка одам олмаси жикка-жикка пул тушади-да. Очиги, биз такси шофёрларидан пулимизнинг қайтимини сўрашга уяламиз. Қарангки, биз ҳўлол ҳақимизни сўрашга уяламиз, юлғич таксичи одамлар ҳамининг шилишга бетини қелин қилиб тураверади. Ҳақимизни сўрашга йаманчишимизга сабаб, беъзи таксичиларнинг аччиқ-қўғум гаплари, замзама қилишлари, пичинг билан бетларини ўғирлашлари дилимизга оғир ботади.

Йўқ, кўнглимизда йилгилан ана шундай гапларни ошқора айтадиган ақойиб замон келди. Орамизда олижаноб, меҳрибон, заҳматқаш, ҳўжратбор таксичилар борки, бир сўми кассага, тўрт сўмини ўз кассисига соловатган юлғич шофёрлар уларнинг номига доғ туширмасин.

Давлатмурод САБДУЛЛАЕВ,
ўқитучи.

депутатлари Советларининг икромия комитетлари, 4 проценти суд ва юридик муассасалар, 14 процентдан эиберогини кооператив ва жомат ташкилотларини бошқарув органлари ташкил этади.

Министрлик ва идоралар бошқарув органлари таркибиди энг катта улушини (36,4 проценти) бошқарувнинг ўрта бўғини — ҳўжаликларини бошқариш органларининг апарати ташкил этади.

— Ҳаммаси бўлиб мамлакатимизда қанча министрлик ва идоралар бор?

— СССР ташкил этилганда 10 та халқ комиссариати бор эди. 1936 йилда — 18 та, 1956 йилда — 52 та, 1979 йилда — 64 та иттифоқ министрликлари мавжуд эди. Шундан кейинги йилларда министрликларини бирлаштириш ва тутатиш, янгиларни ташкил этиш жараяни содир бўлди. Натжидада ҳозир марказда 55 министрлик ва СССР Давлат агроносат комитетининг кўп тармоқли орган мавжуд. Агар унга жамият ҳаёти бошқа барча соҳаларини бошқариш бўйича давлат органлари қўшилганда бўлса, ушбу рақам тақминан икки баравар қўяида.

— Бу ҳисобга республикалардаги министрликлар кирмайди-а?

— Ҳа, мамлакатимизда 800 га яқин республика министрликлари ва идоралари мавжуд. Ўртача оғанда ҳар бир республикага 30 министрлик, 15 давлат агроносат комитетлари ва 20 бошқа идоралар тўғри келади.

Ушбуларимиз мустақиллигини кенгайтириш тўғрисидаги қарорга қарамой корхоналарнинг кўп сонли ташкилотлар томонидан «тушўлаб олинганлиги», уларнинг ҳар бири ҳўсбот талаб қилишдан шикоят қилишмоқда.

— Ҳар йили оғанда 100 миллионд шўнча муомалада бўлади, уларни тўдириб учун қарийб 600 миллион кишининг бир соатдан вақти кетади.

Ҳозир ана шу оқимни қисқартириш чоралари қўриллапти.

ларига нафолат беради.

«Политика» газетаси Белградда метро қурилиши иш-тибоблари муҳоамасига бағишланган мақолаи эълон қилди. Уни СССРдаги шериклар билан ҳамкорликда бун-да этиш мўлжалланмоқда.

Пойтахт метроси лойиҳасини амалга оширишда французалар, японлар ва канадаликлар ўз хизматларини тақлимф этидлар, деб таъинидлайди газета.

Материалларни Тўлқин РАСУЛЕВ, Абдуғани АБДУЛЛАЕВ, АКРОМОВ тайёрлашган.



Илғорлар сафида

— Янги ҳўжалик юртишга ўтган «Технолог» илғий-ишлаб чиқариш бирлашмаси коллектив Бутунитифок XIX партия конференцияси шарафига муносиб меҳнат армўгонлари тайёрламоқда.

Корхонада истеъмолчиларга замонавий дастгоҳлар етказиб бериш йўлида кўп ишлар қилинляпти. Айниқса бу ерда рақамли программа билан бошқариладиган дастгоҳлар учун юқори унули асбоб-ускуналарни, автоматлашган линияларини жойрий этиш ва бошқаларга катта эътибор берилмоқда.

— Маълумки, бу корхона коллективни ўтган йилги Бутунитифок социалистик мусобақасида ёришган ютуқлари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ

Марказий Комитетининг кўма қизил байроғи билан тақдирланди ва СССР Халқ Ҳўжалиги Ютуқлари Виставкисининг Бутунитифок «Хурмат тахтаси»га ёзилди.

— Корхона мутахассислари ҳозирги кўнда ўн иккинчи беш йиллик учун «Главмашхўлоководство»нинг барча корхоналарини илғи техника билан қайта жиҳозлаш юзасидан заводлар ва етакчи институтлар ходимлари билан биргаликда тузилган программа бўйича иш олиб бормоқдалар. Бу режалар муваффақиятли амалга оширилиши эса товар маҳсулотини ишлаб чиқаришини 27,8 процент ўстириши имконини беради.

Ана шу мақсадда беш йилликда бирлашманинг технология хизмат бўлимлари асосан комплекс лойиҳаларини бажаради.



Кечаги шогирд-бугунги устоз

Унинг бир корхонада ишляётганига чорак аср бўлди! Дарахт бир жойда қўради, деган нақига амал қилган Фирдаус «Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмасида мана кам бўгани йўқ.

Ҳарф-теринг цехида ишляётганларни биноларнинг гишт терувчиларига ўхшатиш мумкин. Қанчадан-қанча рисоалар, журнал нашлаб ҳарфма-харф ана шу лийотнист (харф терувчи)ларнинг юзлик бармоқлари орқали ўтади. Одиий ўқувчи қўлига олган рисоаланинг ҳарфлари неча минг эканлигини санашига қийналади, аммо Фирдаус уларни бири-бир жаржондай беҳато териб чиқади!

З.босмахона партия бюросининг секретари Тоҳир Гофуровга «қутилмаган» саволи бердик.

— Айтингчи, Фирдауснинг бошқалардан ажралиб турадиган фазиляти нимада?

— Бир ишчи охирига етказмагунча қўймайди, тиниб-тиничмайди. Энг ишчан мураббийларимиздан. Шогирдларидан ҳам шунини талаб қилади! Бу энг яхши фазилят.

Аёл қатъияти, иродаси деб шунини айтсалар керак-да, бу ерда у 25 йилдан бери меҳнат қилади. Бир пайтлар 9-хунар.

техника билим юртини битириб шу ерга келган Ф. Насибуллинанинг ҳозир 20 га яқин шогирди бор. Нанма Нуралиева, Марина Машотина, Мавлуда Хуралиева ва бошқалар бугун унинг меҳри ва ёрдамидан миннатдорлар.

Ишлаб чиқариш билан бирга, Фирдаус (унин бутун босмахонадагилар Фая деб аташади) жомат ишларида фаол қатнашляпти. Ҳозир цех халқ контроли постига етакчилик қилади. Меҳнат коллективини кенгайитишнинг аъзоси ҳамдир.

Катта ўғли Альберт ҳарбий хизматда. Шангачи. Яқинда Тошкентга мусобақаларда қатнашгани келиб кетди. Қуни кеча Фая ундан «Харьковга мусобақага борапман» деган мазмунда телеграмма олди. Қизин Альбина — «Современник» маданият уйда, Светлана эса ўрта мактабда...

Кечаги шогирд — бугун устоз: «Меҳнат ветерани» ишондор, пейчадам меҳнатчи, меҳрибон она!

Х. ИКРОМОВ,
СУРАТДА: Фирдаус Насибуллина,
Т. Каримов фотоси.

Ғолиблардан ўрнак олайлик!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касабасоюзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва соцуал ривожлантиришнинг 1987 йилги Давлат планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган республика социалистик мусобақасининг ақуларини кўриб чиқдилар.

Қуйидаги коллективлар иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги давлат планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган республика социалистик мусобақаси ақуларига кўра ғолиб деб топилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касабасоюзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўма қизил байроқлари билан мукофотланган ҳамда Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари виставкисиди республика Хўрмат тахтасига ёзилб, дипломлар ва пул мукофотлари билан тақдирлансинлар:

Тошкент шаҳар хунар-техника таълими бошқармасининг 36-ўрта хунар-техника билим юрти;

«Главташкентстрой» н и нг иқтисослаштирилган «Ташиндустрий» трести;

Тошкент шаҳар хунар-техника таълими бошқармасининг 36-ўрта хунар-техника билим юрти;

«Главташкентстрой» н и нг иқтисослаштирилган «Ташиндустрий» трести;

Тошкент шаҳар хунар-техника таълими бошқармасининг 36-ўрта хунар-техника билим юрти;

Тошкент шаҳар хунар-техника таълими бошқармасининг 36-ўрта хунар-техника билим юрти;

ри билан мукофотланиб, дипломлар ва пул мукофотлари билан тақдирлансинлар.

Ўзбекистон геология-разведка ишлари давлат «Ўзбекгеология» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Ўзбекид-рогеология» ишлаб чиқариш гидрогеология бирлашмаси;

Тошкент шаҳар иқроия комитетининг умумий оқватланиш бош бошқармаси;

Ўзбекистон ССР Аҳолига маъиш хизмат қўрсатиш министрлигининг республика «Узсложбтехника» санаот бирлашмасига қарашли Тошкент шаҳар «Металлоб-ремонт» ишлаб чиқариш бирлашмаси;

Тошкент шаҳар иқроия комитети уй-жой бошқармаси ҳўзуридаги совутиш компрессор қурилмаларини ишлаш дирекцияси;

Тошкент шаҳар иқроия комитетининг Тошкент шаҳар уй-жойлар бошқармасига қарашли «Лифтремонт» 1-ремонт қурилиш бошқармаси;

Ўзбекистон ССР Аҳолига маъиш хизмат қўрсатиш министрлигининг республика «Узсложбтехника» санаот бирлашмасига қарашли Тошкент шаҳар «Металлоб-ремонт» ишлаб чиқариш бирлашмаси;

Тошкент шаҳар иқроия комитети уй-жой бошқармаси ҳўзуридаги совутиш компрессор қурилмаларини ишлаш дирекцияси;

ФРОНТЧИ САҢЪАТКОРЛАР

Улуғ Ватан уруши йилларида жанг майдонларида ўзбекистондан бориб маданий хизмат кўрсатган санъаткорларнинг кўпчилиги бугунги кунда ҳам қизғин меҳнат қилмоқдалар. Улардан ташкил топган Зебо Ганиева номидagi фронтчи санъаткор-эвёллар ансамбли ўзининг хилма-хил концертлари билан томошабинларга завок бағишлamoқда.

Санъаткорлар коллективи Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи ташкил этилганлигининг 70 йиллиги муносабати билан жангчиларнинг хурматли меҳмони бўлади. Бугун Туркистон ҳарбий округининг тарихи музейида фронтчи санъаткорлар ватан посбонлари билан учрашадилар. Унда алағали йилларда ижод этилган қўшиқлар ва музика асарлари яна бир бор янграйди.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНИ

Яқин йола ўзининг жўшқин қўшиқлари билан мамлакатимиздаги яна, балки кет элларда ҳам яхши танилган санъаткор. Эстония ССРда хизмат кўрсатган артист Яқин йола пойтахтимизга биринчи марта меҳмон бўлиб келди.

У Сивец номидagi авиасозлар маданияти ва техника саройида ҳамда В. И. Ленин номидagi СССР халқлари дўстлиги саройида бериладиган концертларда қатнашадди. Унинг чиқишларида қардош ўлкадан келган чолғу ансамбли жўр бўлади. Эстон санъаткорларининг гастролли 16 апрелгача давом этади.

«ЮЛДУЗДОШ АКА-УКАЛАР»

Югославия Социалистик Федератив Республикаси санъаткорларидан иборат тузилган «Юлдуздош ака-укалар» поп-рок программаси ҳамшаҳарларимизга намойиш қилинади. Қардош мамлакатнинг санъаткорлари орасида истеъодли қўшиқчи Дежана Петкович бор. Унинг концертларида «Эмануэл» вокал-чолғу ансамбли жўр бўлади.

Қардош мамлакат санъаткорларининг концертларини В. И. Ленин номидagi СССР халқлари дўстлиги саройида 9 ва 10 апрель кунлари соат 16 ва 19 дан 30 минут ўтганда томоша қилиш мумкин.

МАКТАБДА УЧРАШУВ

Шахримиздаги 208-мактаб ўқувчилари Мухиддин Қориев уқувчилар шайхонида ўзбек Давлат концерт-фильмония бирлашмасининг санъаткорлари билан учрашадилар. Бу тадбир «Замонавий композициялар болаларга» деб аталади. Унда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист В. Крюков, хонанда О. Куценко ва бошқалар қатнашади. Учрашув 7 апрель кун соат 12 га белгиланган.

«БИЛИМЛАР УЙИ»

Тошкент шаҳар «Билим» жамиятининг «Билимлар уйи» коллективи шу ҳафтада тингловчилар учун бир қатор мавзуларда қизиқарли тадбирлар ўтказишни режалаштирган.

Техника фанлари доктори, профессор А. Қодиров билан бўладиган учрашувда кирик электрон ҳисоблаш машиналари билан қандай ишлаш мумкинлиги тўғрисида суҳбат тингланади. Ҳозирги кайта қуриш ва жадаллаштириш амалиёти оширилётган бир пайтда корхонада, кўчада ва уйда бундай ҳисоблаш машиналари билан ишлаш аниқ мумкин.

Суҳбат 6, 8 апрель кунлари соат 18 да ўтказилади.

«Йиллар ва одамлар: тарих ҳақиқати» туркумидан «Ҳозирги дунё ва КПССнинг ташқи сийосати феолиятининг долзарб масалалари» мавзуда бўладиган суҳбат қизиқарли ўтади. Бу тадбир 5 апрель кун соат 19 га белгиланган.

Иқтисод фанлари кандидати А. Самойлов «Қайта қуриш йилларида тежамкорлик» мавзусида суҳбат олиб боради. Мутахассис билан бўладиган учрашувда кўпбаламларга қизиқарли жавоблар олиш мумкин. Бу тадбир 7 апрель кун соат 19 да ўтади.

А. ҲОЖИЯКБАРОВ.

Икки эл фарзанди

Унинг уйига бугун ҳам халқлар ва табирилар келиб туради. Уларни турли миллатга мансуб қуролдошлар ёзилади. Унинг ҳаётини кўз юмганига уч йил бўлса ҳам, унинг адресига мактублар ёзишмоқда. Чунки у ҳаётинида эди, шундай хайкал яратган эди, шунга сазовор хизмат қилган эди...

Вера Григорьевна Шарипова олдимга қатор расмлар, хужжатлар қўйиб чуккур хўрсинди. — У доним тирикчида кўз ўнгимда... Мен унинг ҳаётинида қайғуни тушунардим. Узоқ йилги қаддон, ётиқдоши ва жанговар дўстидан жудалик ситамини аниқ эканлигини яхши ҳис этардим. Чунки бу хонадонда ўп бўлганман. Марҳум Қаҳҳор ака Шарипов ва унинг дўстлари даврасида аjoyиб суҳбатларда қатнашганман, жуда қизиқ ва гаройиб воқеаларни эшитганман. Бугун эса марҳум дўстим Қаҳҳор ака билан суҳбатлашган хонада ўтиришман, уни эслаб Вера опа келтирган сўнгги почтани арақлашдим. Қилин конвентда табиринома. Уни узоқ Польшадан йўллаганман.

— Хурматли ўртоқ Қаҳҳор Шарипов! Сизни ва оилангизни ҳарбий атта-

ше шахсий состави номидан келатган янги — 1988 йил билан табириномамиз...

... Польша Халқ Республикаси элчилиги қўшади ҳарбий атташе бригадаси генерали А. Чернов юборган табириномадаги дил сўзларини ўқиб қалбимни эзу ҳислар чулғиди. Халқимиз бекиз айтмаган: дунёда икки нарс абадий қолади — бири ботиригнинг иши, иккинчиси донишманд сўзи.

Мен ана шу ботири — ўзбек ва поляк халқи қаҳрамони полковник Қаҳҳор Шарипов иши ҳақида бир лавҳа келтирдим.

Гродно шаҳридаги ҳарбий асирлар концлагери комендант штурмбанфюрер Гоман ҳар кун эрталаб арман учун икки-уч кишини отарди.

Ун мингдан ортқ асир бўлган лагерда кунгита очилган, тинкаси қуригандан 20—30 киши ўлгани етмагандек, комендантинг бу қилиги барчани газлаштирар, аммо бирор киши унга қарши чора тополмасди. Ана шундай шароитда лагерда маҳфий ташкилот оза-

га келди. «Шарқ ҳақиқати» деб атаган бу антифашист ташкилотда лейтенант Қаҳҳор Шарипов раҳбар эди. Рус, ўзбек, украин, қозоқ, қирғиз ва бошқа миллатларга мансуб асирлар ўртасида иш олиб борган ташкилотда поляк антифашисти, лагерда врач бўлиб ишловчи Ян ҳам қўшилди.

— Унинг ёрдамида, — деган эди Қаҳҳор ака, — мен лагер сартароши вазифасига тайинландим. Немислар ҳам хизматидан фойдаланадиган бўлишди. Ана шундан сўнг врач мента фашистлардан қай тариқа ўч олиш йўлини ўргатди.

Немислар ўткир ҳидга жуда ўч бўлишди. Соч-соқоли олинган, одеклол сепишм керак. Врач мента шундай зўр одеклол топдики, унинг ёрдамида талайгина эс-эсчи соқчиларни жаҳаннамга жўнатдим. Тери орқали қонга ўтиб, аста-секин заҳарловчи бу одеклол сирини фашистлар билганда эди...

Асирлар қаторида сотилган ҳам бўлган. Собик вазод командири Худяков шундай одам бўлиб чиқди. У ўзбек исм-

фамилияси остида яҳудий Илья Гвантмакер юргани ҳақида комендантга айтмоқчи бўлди. Лекин маҳфий ташкилот сотинини йўқ қилди. Бу операцияни Тошкентлик Хожияқов Содиқов ва Қаҳҳор Шарипов бажаришди.

...Мана қўлимда Илья Леонидович Гвантмакер сурати ҳамда унинг ёзган сўзлари. Ҳаётини асраб қолган ўзбек йигитлари, «Шарқ ҳақиқати» ташкилоти раҳбари Қаҳҳор Шариповга, миннатдорчилик билан битилган хатда Гвантмакер «Мен ҳам ўзбек халқининг фарзандиман» дея баралла хитоб этибди.

1942 йил февралда фашистлар Гродно концлагеридаги асирларни Польша пойтахти Варшава яқинида Радом қишлоғига қўчиришди. Худди шу ойда Қаҳҳор Шарипов ва унинг дўстлари лагердан қочиб, поляк партизанлари сафига қўшилишди. 1942 йил февралдан 1945 йил январгача бу отряд юзлаб эшелонларни портлатиб, минглаб фашистларни йўқ қилди. Поляк, рус, ўзбек, тожик, қирғиз, арман, озарбайжон,

ДўСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ



Улуғ тил

— Рус тилини билиш — энди у қадар янгилаб эмас, у шундай ҳам ҳар томонлама ўрганишга лойиқ тил, чунки у энг кучли ва энг бой жонли тилларнинг биридир, у кашф этадиган адабиётлар учуноқ уни ўрганишқ зарур...

...Тургенев, Толстой, Добролюбов, Чернышевскийлар тили буюк ва қудратли тилдир... Ва турган гапки, биз Россияда ашбатган ҳар бир кишининг буюк рус тилини ўрганиши инжониятига эга бўлиши тарафдоримиз.

В. И. ЛЕНИН.

— Рус тили Минг йиллар мобайнида халқ ўз соғнал ҳаётининг, ўз фикрлари, ўз туйғуларини, ўз умидларини, ўз интиқомини, ўзининг буюк истиқболларини майин, шукҳини, беҳад бой, доно, шоирона ва меҳнат қуроли бўлган ушбу тилини яратди.

— Рус тили — авваламбор — Пушкиндир — у рус тилининг қудратли манзилгоҳи. У Лермонтов, Лев Толстой, Лесков, Чехов, Горькийлардир.

А. Н. ТОЛСТОЙ.

— Дунёнинг катта бир қисмида фармонбардорлик қилаётган Рус элининг тили тибатан бениҳоя бойлиги, гўзаллиги ва қудрати жиҳатидан ҳеч бир Европа тилидан қолшмайди. Шу сабабли рус сўзи ўзга тиллардан ҳайратланаётганимиз даражасида тақомилликка эришишига шубҳа йўқ.

— Россия тилининг гўзаллиги, улуғворлиги, қудрати ва бойлиги аждоғларимиз ҳали ижодининг ҳеч бир тартиб-қондасини билмаганига эмас, балки ўшандай қондалар борми-йўқлиги ҳақида ўйлаб қўрмаган узоқ ўтмишда битилган китоблардан ҳам яққол маълум.

М. В. ЛОМОНОСОВ.

Ягона оилада

Венера Акмухаметовани коллективнинг ҳар бир аъзоси жуда яхши таниди. У Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг 12-ҳаёда ишчи касбини улуғлаб келмоқда. Тириқчоқ қиз политехника институтининг аълочи студенти ҳамдир.

Венера корхонага ишга келган вақтда қиз меҳнатсеварлиги, ишга фидойилиги билан ҳамкасбларининг назарига тушганди. Цех комсомоллари 1986 йилда уни ўзларига етакчи қилиб сайлашди. Шу вақтга қўйилган эътибордан четда қолиб келмаган комсомол ишлари янги секретарининг жонқурилиги билан тез орада яхши йўлга қўйилди.

Венера Акмухаметова жамоат ишларини яхшилаш ва ёшларнинг касб меҳнатлари-ни ошириш учун кўп ишлар қилди. Унинг ташаббуси билан цехда комсомол ёшлар бригадаси тўзилди. Бир неча бор «Энг яхши тоқар» конкурслари ўтказилди, спорт ишлари жонланди. Уруш ва меҳнат ветеранларига бўлган эътибор ҳам қулайлириди. Бир неча бор улар билан қизқарли учрашувлар ўтказилди. Меҳнат ва уруш ветеранлари ўзларининг оловли йилларда кечган ёшлиги ва олиб борган ишлари ҳақида ёшларга сўзлаб бердилар.

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам. Комсомол-ёшлар тез-тез «Чимёни» дам олиш зонасида бўлиб маданий ҳордиқ чиқариб қайтишмоқда. 1987 йил В. Акмухаметованинг ҳаётида ўчмас из қолдирди. У КПСС сафига қабул қилинди.

Коллективимиз ҳақиқий интернационал коллективдир, — дейди Венера Акмухаметова, — Бу ерда турли миллат вакиллари бир оила ферзандлари каби аҳил ва иноқ меҳнат қилмоқдалар. Комсомолларимиз ҳам бевован меҳнатимизда амалга ошириладиган кайта қуриш, жадаллаштириш ишларини юзага чиқаришга ўз ҳиссаларини қўшишяпти. Айниқса, Р. Зимляев, Х. Жаббаров, А. Радченко, Р. Сафонов, Ш. Норбўтаев ва А. Гаск каби ишчи-ёшлар кунлик нормаларини ошириб бажариб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Бутуниттифоқ XIX партия конференциясининг меҳнатда катта ютуқлар билан қўшилган ушминининг катта мақсадиимизга айлантирилганимиз, Ҳозирги кунда берилган ваздани бажаришга замин яратилган.

Олмаота. [3 апрель телефон орқали]. Тошкент ва Олмаота академик театрлари ўртасида аjoyиб ҳамкорлик бошланди. Шу муносабат билан Олмаотадаги Азевос номидagi қозоқ давлат академик драма театрининг директори, СССР халқ артисти, СССР ва Қозғистон ССР Давлат мукофотларининг лауреати Асанали Асенов муҳбиримиз билан суҳбатлашди.

— Асанали Асенович, Сизнинг театрингиз санъаткорлари Тошкентда бўлиши ҳақидаги хабарини шарҳлаб берсизми.

— Тошкентдаги Ҳамза номидagi ўзбек Давлат академик драма театрида қозоқ едбиси Олтинсоч Жаҳоновнинг «Ҳазрати аёл» асари қайта қўйилганлиги ҳақидаги хабарини биз зўр мамнуният билан қутиб олган эдик. Шундан кейин иккала театр кол-

Чин юракдан севишган касб инсон умрига абадий ҳамроҳ бўлади. Зотан, бир касба, бир ерда ишлаган педагогларнинг сабртоқати, таълим-тарбиянинг оғир-енгиллигига бардош бериб ишлаш одамийликнинг яққол намунасиридир. Нина Николаевна Бегированинг Киров районидagi 70-мактабда иш бошлаганига 30 йилдан ошди.

Шунча йил бир мактабда тобланиб, ўзбек болаларига рус тилини ўргатиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Нина Николаевна ўз касбининг ҳаётининг мазмунли мақсади деб билади. Ўз ўрнида синчов ўқитувчининг ўзи ҳам коллективдан, болалардан ўзбек тилини ўрганиб борди.

— Ўзбек мактабларида рус тилидан дарс берувчи ўқитувчилар ўзбек тилини билиб олишлари аниқ мудоа бўлади. Ўзбек тилини билиш мента ота-оналар билан ишлашда жуда енгиллик туғдирди. Умуман инсон қанча кўп тилни билса, шунча яхши экан, — дейди Нина Бегирова.

Ўқитувчининг жонқурилиги тугайли рус тили синф хонаси лингафон кабинетига айлантирилган. Бу кабинет Киров районидagi мактаблар рус тили кабинетларининг энг яхшиси ҳисобланади. Кабинетда эстетик дид билан ишлатган «Рус тили — дўст тили», «Дўстлиқнинг кўприги — тил», «Биз рус тилида гаплашамиз», «Рус тили ва адабиёти дарсларида тасирий санъат», «КПСС XXVII съезди материаллари рус адабиёти дарсларида», «Севишли ёзувчи ва шоирларимиз», «Бу сўзларининг ёзилиши» каби стендларни, ўнлаб альбомларни кўрасиз.

Кабинет энг зарур адабиёт ва қўлланмаларни жамлаштирган кичик кутубхонага эга. Дарсларни техника воситалар, кўргазмалар куруллар асосида олиб бориш учун аниқласан, магнитофон, ҳар бир мавзуга оид юздан ортин диафильм, ўндан ортин

пластинка бор. Албатта, ўқитувчи бу техника воситалар, кўргазмалар куруллардан фойдаланиш учун олдиндан пухта ўйлаши, тайёргарлик қилиши керак. Н. Бегирова бундай ишлардан сира эринмайди, қоларка кўп вақт ажратди. Бундай тайёргарлик қилишга баъзан ўқитувчиларда сабртоқат етшимайди.

Мактабларда айрим синф раҳбарлигини олиш ишқивозлари бўлади-ю, баъзан бундай синфларга раҳбарликдан кўпчилик бош

Ёшларнинг устози

товлайди (оғир синф, тўпалончи синф деб таласаларди). Ана шундай пайтларда методист-ўқитувчи (мактабда 2 та методист-ўқитувчи бор. Бу ном энг яхши ўқитувчи шаҳар халқ маорифи томонидан берилади) Нина опа синф раҳбарлигини ўз зиммасига олади.

Мана, бундан бир-икки йил илгари 6-«А» синфига раҳбар бўлди. Бу синф бир вақтлар мактаб бўйича интизомсизликда, билим дастлиги тугайли «ном» чиқарганди. Бетиним меҳнат, ота-оналар билан ўтказилган турли учрашув-суҳбатлар ўз самарасини берди. У йил ичиди синфини энг илгортлар қаторига олиб чиқди. У ота-оналар билан «Бахтининг калити — меҳнатда», «Эрилатасан оилани...», «Дўстлик нима?», «Рус тилининг аҳамияти», «Меҳнатсеварлик ёшлиқдан бошланади», «Касб-

нинг ёмони йўқ», «Ёшларнинг тарбиясида ота-она ибрати» каби темаларда тез-тез суҳбатлар ўтказиб туради. Ўқитувчининг «Партияимизнинг муҳим қарорларини ёшлар сингдиришда ота-оналарнинг роли», «Уйда атеистик тарбия» каби докладлари юқори баҳоланди.

Моҳир педагог ўқитувчилик қилиш билан бирга, Киров район рус тили метод бirlашмасига бошчилик қилади. Ўз биланларини ёш ўқитувчиларга ўргатади.

У ёш рус тили ўқитувчиларининг мураббийси ҳамдир. Ҳозир унинг мактабларида ўнлаб шоғирдлари рус тилидан муваффақият билан дарс беришмоқда. Жумладан, шоғирдларидан Ўлмасой Файзинова, Лола Нормухамедовалар мактабнинг илгор ўқитувчилари ҳисобланишади. Ҳа, бу ўзбек қизлари рус тили ва адабиёти дарсларини аъло даражада олиб боришларида Нина Бегированинг хизматлари катта.

Мактабда рус тили дарслари чуқурлаштирилган программа асосида олиб борилади. Бу эса, ўқитувчилардан алоҳида масъулият талаб қилади. Мактаб ислоҳоти, партия ва ҳукуматимиз талаблари даражасида мактабда рус тилини чуқур ўргатиладиганлигини республика рус тили ва адабиёти институты студентлари дарс бериш методикасини Н. Бегировадан

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тез ва беташивиш

ЎЗЎЗГА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ КИРХОНАЛА-
РИМИЗ КИЙИМ-КЕЧАКЛАРИНИ ЮБИЛЕ-ТОЗАЛАШ БИ-
ЛАН БОЎЛИҚ ҲАММА МУАММОЛАРИНИ ХАЛ ЭТА-
ДИ.

МАНА УЛАРИНИНГ АДРЕСЛАРИ:


- 1— Ленин проспекти, 77-уй;
- 2— Чилонзор массиви, 20-А квартал, 8-уй;
- 3— Марказ-17/18. «Ўзинг уйдаса» маиший хизмат комплекси.

7— Юнусобод массиви, Тошкент автомобиль-йўл ин-
ститутининг 1, 2-ёқончаларида.

Маъмур кирохоналарга Чехословакия ва ГДРда ишлаб
чиқарилган энг янги асбоб-ускуналар ўрнатилган.

У ЕРДА СИЗ КИРЛАРИНИНГ КИЙИМ-КЕЧАК ВА БУХОМЛА-
РИНИНГ ДАММОЛАШТИРИШ МУМКИН.

065 ва 78-15-29 телефонлари орқали қўшимча спра-
калар олиш мумкин...



ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲАММОМ-КИРХОНА ХУЖА-
ЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

Ўқишга марҳамат!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ

ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ
ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ КЎРТИЛАРИ
1988-1989 ўқув йилига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

8-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ КЎРТИ

8-синфинг битирганлар учун ўқиш муддати — 3 йил.
3 йил муддат билан ўқишга қабул қилинганлар оғдат
ва уст кийим билан таъминланадилар. Ўқиш таомлангач,
уларга ўрта маълумот ва касб эгаллаб чиққанлик ҳақида
диплом берилади.

10-синфинг битирганлар учун ўқиш муддати — 8 ой.
Улар оғдат 85 сўм стипендия билан таъминланадилар.
Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида
меҳнат ҳақининг 50 процентини оладилар. Билим юртида-
ги таълим даври умумий меҳнат ва касба соҳаси таълими
қўшиб ҳисобланади.

Билим юрти авиасозлик соҳаси учун қуйидаги ихти-
сослар бўйича юқори малакали ишчилар тайёрлайди:
учиш аппаратларининг йиғувчи-слесари, рақамли про-
грамма билан бошқариладиган станокларнинг оператори,
сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг
созловчиси, механика-йиғувчи слесари, санат ас-
боб-ускуналари ремонтчи бўйича слесарь, кенг профилдаги
станокчи, токар, фрезерчи.

Шунингдек, 10-синф маълумотига эга бўлган ва Совет
Армияси сафарларида хизмат бурчини ўтаб қайтган ёшлар
фрезерлик касби бўйича ўқишга қабул қилинадилар.
Ўқиш муддати — 6 ой.

Билим юртида спорт секциялари, бадий ҳаваскорлик,
авиамоделчилик, радио, фото тўғараклари ишлаб турибди.
Билим юртини аҳоли баҳолаб билан таомланган ўқув-
чиларга олий ўқув юртиларининг қунадузи бўлиб қолган
ва учувчилик авиация билим юртига ўқишга кириш
учун йўналиш берилади. Билим юртини таомлаганлар
Тошкент политехника институтининг самодостозлик ва ме-
ханика факультетлари кечки ва сиртки бўлимлари, шу-
нингдек, бошқа олий ўқув юртига йўналиш шартлар
билан ўқишга киришлари мумкин. Билим юртини таомла-
ган ўқувчилар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация
ишлаб чиқариш бирлашмасига қўша юборилади.

Билим юртига ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар
талаб қилинади: туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, ёни
паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, яшаш жойидан,
ота-онасининг ишонасидан справкалар, медицина справ-
каси, мактабдан характеристика, 6 донга фотосурат (3х4
ва 4х5 см ҳажмида).

Билим юрти адреси: 701128, Тошкент шаҳри, Октя-
брь райони, Усмон Юсупов кўчаси, Авиационий прое-
диз, 10-уй (10, 27, 23-трамвайлар; 1, 4, 10, 14-троллей-
буслар, 44, 48, 97-автобусларнинг «Ленинград» меҳмон-
хонаси) бекати. Телефон: 41-75-54.

Граждан авиациясининг 243-заводи қошида

20-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ КЎРТИ

Авиация даятгеллари слесарь-йиғувчиси, учиш аппа-
ратлари слесарь-йиғувчиси, авиациятгеллар ремонтчи бўй-
ича слесарь, учиш аппаратлари ремонтчи бўйича слесарь,
учиш аппаратлари электр монтажчиси.

Ўқиш муддати 1—3 йил.
Ўқишга қабул қилинганлар тулиқ давлат таъминотида
бўладилар. Бир йиллик группда ўқувчиларга стипендия
берилади.

Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшилди.
Билим юртига фақат Тошкент шаҳрида яшовчилар қа-
бул қилинади. Билим юрти ўқув ва дам олиш учун барча
зарур шартларга эга. Спорт секциялари, тўғараклар,
вокал-чолга ансамбли бор.

Билим юрти директори номига ариза ёзиб, унга қуйи-
даги ҳужжатлар йўла қилинади: ўқиш жойидан харак-
теристика, маълумоти ҳақида гувоҳнома, ота-оналарининг
яшаш ва иш жойларидан справкалар, медицина справка-
си (286-форма).

Билим юртига ҳужжатлар конкурс ва суҳбат ўтказиш
йўли билан қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР 1988 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДАН БОШ-
ЛАНАДИ.

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача қабул қи-
линади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Граждан ави-
ациясининг 243-заводи (25, 40, 61, 66, 161-автобуслар,
1, 2, 10-трамвайларнинг ГА «Авиашаҳарча» бекати).

ТАШКИЛОТЛАР ВА
МУАССАСАЛАРИНИНГ
РАҲВАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Мебель

саноати министриликнинг

«МЕБЕЛЬ»

ФИРМАЛИ МАГАЗИНИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Кредитга олинадиган моллар
учун бадал ҳақлари тўлана-
диган ўзгарган банк рекин-
зитлари 092311502-номерида
счёт Тошкент шаҳар саноат-
курлиш банкнинг Қўйиш-
шев бўлимида жойлашган.
(015311602-счёт ёпишган).



Янги рубрика: «Тошкент оқшони» рейд бригадаси шаҳар кезади»

Луначарское шоссесининг бошла-
нишида чап қўлдаги дўнгликда
«Тюльпан» деган кооператив кафе
савлат тўкиб турибди. Тушликда бу
ер арининг уйсидек қайнайди. Хў-
рандалар кафега мазали ва тўйимли
овқат истеъмоқ қилгани келишади,
албатта. Лекин айримларнинг тарву-
зи қўлтиқларидан тўшиб қайтади...
Айримлар эса кунда-шунда...

Бу ерда икки хил хизмат тури жо-
рий этилган. Бир ўз-ўзига хизмат
қилиш, иккинчиси эса официантка
орқали буюртма бериш. Катта зал-
да одам гавжум. Официантларнинг
қўли-қўлига тегмайди. 13.15 да баъ-
зур чеккада бўшаган столлардан би-
рига ўтирдик. Орадан қарий 20 ми-
нут ўтгач, буюртма олинди. Стол-
лар ифлос, идишлар вақтида йиғиш-
тирилмади. Кимдир текитди, ким-
дир нос отди... Официантларни хў-
рандалардан ажратиб қийин, ўзига
хос ягона формаси йўқ. Столларнинг
ҳаммасида меню кўринмайди. Туз,
қаламбир, сирка солинган идишлар-
нинг қўли бўшаб қолган...

Орадан икки коста ошпакининг охири-
гача бўлмади. Тағдир билан пийлача
ёни сийлаб чиқди. Бир порция жўжа
ҳам яхши қовурилмаган экан. Бир
чойнак чой ичиб, иккинчи нос едик.
Бундан қарангик, нархи қанчалик олди.
Жами 8 сўм 85 тишин бўлиши керак
эди. Лекин официант биздан 7 сўм 19
тишин талаб қилди. Биз «Нега бун-
дай?» деб сўраганимизда, у «Беш
процент официант хизмати учун ҳам
ҳақ тўлайсизлар», — деди.

— Бу ерда олдиш ишчи ёки хиз-
матчининг овқатлангани кириши қи-
яни, — лужма ташлади нарги стол-
да ўтирган дўшпаки кўрада. — Нар-
хи осмонда-ку!

Луқма ўрилди эди. Ахир биста
нон 25 тиши, бир чойнак чой 15 ти-
яни турса, бу нима деган гап?

Келинг, бир оз чеккини қилайлик.
Давлат ошхонасида бир чойна-
к чой 3 тишин туради.
Ўзига кетган сарф-ҳаражати
қоплайди. Кооперативда ҳам ку-
рук чой магизиндан сотиб олинди.
Харажат бир хил. Нега энди нархи
15 тишин? Нега?

— Биз чойнак-пиёлаи яхши чай-
қаб, қуруқ чойдан қўпроқ солаемиз,
— дея бу саволга жавоб берди
«Тюльпан» кооперативи раиси Б. Д.
Ширшовский...

Лекин бу жавобдан биз қониқмадик.
«Минг бор эшитгандан кўра, бир бор
кўрган яхши» дейдилар. Ахир биз
ўз кўзими билан кўриб тургандан
кейин, қандай қилиб қорани оқ дея
оламиз!

Нони 25 тишин дедик. Бунга ҳам
раис баҳона топди. «Тўшувидан уло-
ви қимматга тушди, транспорт ҳа-
қи ҳам бор-да» деди у бемалол. Не-
га энди нони шу кооперативнинг
ўзида тайёрлаш мумкин эмас?

Хуллас, шу кунги биз қалқувчи-
ла ва ҳужжатлар билан таниша олмадик.
«Вухталтер касал, сейф қулф» де-
яйишди.

Келинг, яхшиси менога бир назар
ташлайлик. Бир порция ассорти са-
лати 2 сўм. Тўрт-бешта помидор ва
бодирин паррагидан иборат. Агар ҳи-
соболаб чиқурсек бўлсангиз, «Туяни
шамол учирса, эчкини осмонда кўр»,
деганларидек таянчархидан баҳоси
ўтиб тушади. Палов 1 сўм 60 тишин,
«Европа» отивнойни, киевча котлети
3 сўм 50 тишиндан, қовурилган жўжа
3 сўм ва ҳоказо. Ахир бу кооператив-
да олди меҳнатқилнинг овқатлани-
ши амри-маҳол. Очқай айтиш керак, бу
ерга шахримизга келган меҳмонлар
ёки ҳар кунги «чой пули» меҳмончи-
лар кирмаса, олди ишчи-хизматчи
йўқолайди. Нархи қанчалик юборади.

«СССРдаги кооператив тўғрисида»
ги Қонуни лойиҳасининг 17-моддасида
«Кооператив иқтисодий жиҳатдан
ассосланмаган тарзда нархларнинг
оширилишига йўл қўймаслиги лозим»
дейилган. Афсуски, ҳали шахримиз-
даги умумий овқатланish кооператив-
ларида бунга тўла риоя қилинмапти.

«Эски жўва» кооператив ошхонаси-
даги озодалик, сарипталик бизга жу-
да маъқул бўлди. Бу ерда ўзбек мил-
лий таомлари — қийма кабоб, жигар

кабоб, нухатли шўрва, қаз, порни
тайёрланади. Овқатларнинг сифатида
деярли ҳеч қандай эътироз йўқ. А-
роф супурилган, тоза. Дастурхонлар-
нинг оқ—оппоқлиги ҳам ҳатто кишига
хуш кайфият бағишлайди. Биз хўра-
ндаларнинг фикр-мулоҳазалари ва ис-
так-таклифлари билан қизиқдик.

«АвтоВАЗ техобслуживание» Тош-
кент области маркази ишчилари Р. Га-
лиев, Қ. Нўлдошев, Т. Қосимов,
Қ. Хожиев, Ф. Алаутдиннинг фикри
бундай:

— Овқатлар бизга маъқул. Фақат
нархи сал тўпса ёмон бўлмайди. Ва
яна ош, мошхўрда, димлама қилинса
яхши бўларди. Лекин шўрвага озгина
эътирозимиз бор. Нухатли, мохора

Чўнтак заволи

ёки неги кооператив
ошхоналарда
овқатларнинг
нархи баланд?

шўрва дейлибдию, ичиди нухати кам.
Бадий бўлиблар фабрикасининг
бухталтерлари Қ. Хошимов, Р. Ги-
ловалар, нормировачи А. Манаве-
лар бундай дейишди:

— Мохора шўрвада нухат оз. Ле-
кин мазаси яхши. Нархи сал қим-
матроқ.

Бухоро шаҳридан келган меҳмон,
музей ходими А. Мирзев эса кабоб
тановул қилаётган экан. Биз у киши-
га «Ош бўлсин!», део ўтиришга рух-
сат сурадик. Сўнгга муздагача қўчдик.
— Кабоб жуда маъқул бўлибди, —
деди меҳмон. — Ўзувчи Неймат Аминов
билан Бухорода бир кун кабоб қидир-
гайларининг эслаб ўтирибман. Ка-
бобнинг бори яхши, лекин қиммат
эканда, ака.

Фикрларни умулштирсак, ягона
хулоса шундаки: демак кооператив
ошхоналарининг бўлгани яхши. Бироқ
ҳали бу тажрибага айлانмаган тад-
бирдир. Уни ривожлантириш, тақо-
миллаштириш керак. Ана шу дас-
лабик қадимлариданоқ биз католик-
ларга йўл қўймаслигимиз, шунга ҳа-
ракат қилишимиз лозим.

Ишчилар шаҳарчасининг 3. Қобу-
лов кўчасидаги «Пашлик» коопера-
тив (раиси М. Пирматов) учта кат-
та эмас. Бор-йўғи 20 ўринли жойга
эга.

— Гўштини яед... оласанлар? —
сўраймиз шашликчи Эркин Пирма-
товдан.

— Октябр райониданги 43-гўшт
дўконидан оламиз.

— Ҳужжатлар бориш?

— Бор.

У фақат 15 март кунги гўшт олгани
тўғрисидаги биргина қозғон қўрсат-
ди, холос. Бошқа қуналари у гўштин
қаердан олган, б. ғ. э. қоронғули-
гича қолди.

Кабобининг донаси 60 тишин. Уч
дона кабоб, биста нон, бир чойнак
чой яхсангиз, 2 сўм ташлаб чиқиб
кетаверасиз. Аслида бу 1 сўм 75 ти-
шин бўлиши керак. Билган билди,
билмаган йўқ...

Бундай оилавий кичик кооперати-
влар шахримизда кун сайин кўпайиб
боряпти. Улар гўшт маҳсулотларини
дуч келган жойдан олишмоқда. Ана
шу истеъмоқ учун ишлатилаётган
гўштлар ветеринария лабораторияси-
да экспертизадан ўтганини, йўқни,
бунга айтиш қийин, ўтган деб қафолат
ҳам беролмайсиз. Шунинг учун ҳам
трестлар, ошхона ва ресторандар ўз

карамоғларидаги кооперативларнинг
овқат тайёрлаш технологиясини, озиқ-
овқат маҳсулотлари сифатини қаттиқ
назорат қилишлари керак.

Кооперативлар ўз фаолиятларини
бошлаганига бир йилдан ошмапти. Ҳа-
ли бу соҳада тажриба кам. Шу бонс
бу борадан илғор тажрибаларни
умумлаштириш ва оммалаштириш,
тартибсизликларга чек қўйиш керак.
Ана шундангина олга сари дадил қа-
дам ташланади.

Тўғри, қўпгина кооперативлар асо-
сий маҳсулотни давлат дўконларидан
сотиб олади. Айтайлик, туз, ёғ, гу-
руч, сариёғ, қанд, шакар, лавр бари
ва ҳоказо. Умои улар кўтарма нарх
учун хизмат қилмаслиги, қалқула-
чида ўз баҳосида қўйишлари керак.

Кооперативлар тақкил этиш ва
уларни озин-овқат маҳсулотлари би-
лан таъминлашда қўпгина муаммолар
пайдо бўлаётганини сир эмас. Тўғри,
уларнинг қўпчилиги маҳсулотларини
бозордан сотиб олинади. Бу овқат-
ларнинг нархи ошганига олиб кели-
пти. Лекин бизда шундай тақкиф бор.
Кооперативлар ишнинг мувофиқлашти-
риш, ички тартиб ҳисобига нарх-наво-
ни бир хил ушлаш керак. Ягона коопе-
ратив базасини ташкил этиш зарур.

Улар бу ерда озиқ-овқат, мева, саб-
завот маҳсулотларини бир хил нархда
сотиб олинлари мумкин. Транспорт
масаласини ҳам ана шу йўл билан
ҳал этиш мумкин. Еки автобазалар
билан шартнома тузиш ҳам мумкин.
Ана шундангина овқатларнинг баҳоси
пасаида.

Рейдимиз сўнгига Навоий кўчаси-
даги «Дўстлик» ресторани рубаруси-
даги «Рус» кооператив кафеига кир-
дик. Ертўлада жойлашган. Девоқлар
рус қарағйи билан чиройли ишлан-
ган. Кооперативнинг пайчи-таъминот-
чиси Игорь Александрович Мурадди
бизни кўриб эсанси қотди.

— Жонга тегди бу текширувчилар,
— дея тўғиллади у. — Очганимизга
уч кун бўлмай, киртасан келиб-кетди.
Ахир ишлагга қўйсизларми-йўқми?!

Биз унинг давлатдан 19 минг қарз
олиб, жиҳозланган кооперативни на-
гоҳон, беафат (тушлик олдидаги) кириб
қолдик шекилли, шунга унинг хуноби
ошди.

«Бухталтер касал, ҳужжатлар унда,
уйини йилмайин» дея бизга шу кунги
ҳеч қандай ҳужжатларини тавсия эти-
шолмади. Биз пайроси туғитишга ва
ахлақандай айтиш хидга диққатини
кафедадан тез чиқиб кетдик. Қўлимиз-
да фақат мею бор эди. Овқатларнинг
нархи осмонда. Мисол учун, олди
гарнирлар лангетини олайлик, 2 сўм
81 тишин, қўлтиқли ш 2 сўм 15 ти-
шин, қўнжорлини угра ош 2 сўм
15 тишин ва ҳоказо.

— Нега овқатларнинг нархи ба-
ланд?

— Ҳамма нарсани Олой бозоридан
сотиб олганимиздан кейин қиммат
бўлади-да, — пингани бузмай жавоб
берди И. Мурадди.


Изоҳга ҳожат йўқ. Бундай коопера-
тив кимга керак? Ахир бозордан со-
тиб олиш бўлса ҳар ким ҳам коопе-
ративга нисбатан икки баравар кам
нархда истеъмоқ овқатини унда тай-
ёрлаб ичавериши мумкин-ку!

Афсус, «Рус» кооператив раиси
Нина Николаевна Морозовани шу
кунги учратга олмадик...

Хуллас, кооперативлар «қанот»
қоқмоқда, қўлоқ ёзмақда, аҳолига
яна бир қудайлик яратилмоқда. Ле-
кин шу билан бирга у меҳнатқиллар-
нинг чўнтагини қоқмоқда. Ҳамма на-
сада меъёр бўлиши керак. Ана шу
табиат қонуни бузилса, кимдир, ни-
мадир издан чиқиб турган гап. У
ярага айланмасдан даволаш керак.

«Тошкент оқшони» рейд бригадаси
шаҳар кезмоқда. Сиз, азиз ҳамшаҳар-
ларимизнинг «ИШОНЧЛИ МУЛО-
ҚОТ» ва «КўНГЛИМДАГИ ГАП-
ЛАРДА АЙТАН ФИКР ВА МУЛОҲАЗАЛАРИ-
ГИНИ НИБАТГА ОЛИБ, АНА Йўлга
чиқдик...

Л. КОРЮХИНА,
Тошкент шаҳар халқ контроли
комитетининг штатсиз инспектори.
Т. ТОШЕВ,
С. САЙДОВ,
«Тошкент оқшони» газетасининг
маҳус мухбирлари.



Жиддий снов олдида...

Одил Мухторович МУХТОРОВ

Таниқдан олми, 1972 йил-
дан КИСС аъзоси, медицина
фаилари доктори, профес-
сор, Ўзбекистон ССРда хиз-
мат қўрсатган фан арбоби,
Меҳнат Қизил Байроқ ор-
денли Тошкент врачлар ма-
лакасини ошириш институти
урология кафедрасининг му-
дир Оди Мухторович Мух-
торов 1988 йил 31 мартда
61 ёшида вафот этди.

О. М. Мухторов 1928 йил
25 январда Тошкент шаҳри-
да туғилди. Меҳнат фаоли-
тини у 1949 йилда Тошкент

медицина институтини хирур-
гия факультетини кафедраси-
нинг врач-ординаторлигидан
бошлади. Андиқон область
район касалхонасида хи-
рург-ординатор, бош врач
бўлиб, Тошкент областининг
Чиноз район участка касал-
хонасида врач бўлиб ишла-
ди. Тошкент медицина инсти-
тутини нормал анатомия ка-
федрасининг аспиранти ва ас-
систент бўлди. 1972 йилдан
берки у Тошкент врачлар ма-
лакасини ошириш институтини
урология кафедрасига му-

дирлик қилар эди.
О. М. Мухторов 120 дан
зиёд илмий ишларнинг, 3
монографиянинг муаллифи
эди. Унинг асосий илмий
ишлари троакар цистомия,
буйрак хасталиги, урологик
хасталиги бўлган катта ёш-
даги беморлар аутогема-
трансфузии муаммоларини
тадиқ этишга бағишланган.
У Ўзбекистон урологлари
Республика илмий жамияти-
нинг раиси, Бутунитифок
урологлар жамияти Прези-
дентини раисининг ўринбоса-

ри, қатор журналлар ред-
коллегияси ва редакцион
советларининг аъзоси, Рес-
публика «Урология» преб-
лем комиссиясининг раиси
эди. Ўн йил мобайнида Ўз-
бекистон ССР Соғлиқни сақ-
лаш вазирлигининг бош
урологи бўлиб келди.

Олим, педагог, мутахас-
сис, софидла ва принципиал
коммунист-инсон Оди Мух-
торович Мухторовнинг ёр-
қин хотираси қалбимизда
мангу сақланади.

Бир гуруҳа ўртоқлари.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЕҚУБОВ.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет нури-
лиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 32-08-74, 32-57-84;
қўшма хўжалиги, маънавий хизмат — 32-55-39; напугат нурилиши — 32-58-55;
фан ва ўқув юрти — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарби-таъинларнинг тар-
бияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 32-28-95; хатлар ва оммавий ишлар
— 32-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик, редакцияси — 33-99-42, 32-53-66;
«Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КИНО МУХЛИСЛАРИГА

«МОСКВА» КИНОТЕАТРИДА
5 апрелдан 10 апрелгача ўтайдиган
«ФЕСТИВАЛЛАР ФЕСТИВАЛИ» ДОИРАСИДА
ИККИ ЧЕТ ЭЛ ФИЛЬМИ НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ

«РАСМИЙ ВОКЕА»

(Аргентина 1985 йил).

Режиссёр — Луис ПУЯНХО.
Ролларда НОРМА АЛЕХАНДРО, ЭКТОР АЛЬЕ-
РИО ва бошқалар.

Фильм «Америка кино академиясининг «Оскар» (1986
йил) мукофоти. Норма Александр Каннда